**Ушбу сонда:**

**2** *Масала кўндаланг қўйилади* «ТЕЗ ЁРДАМ» ЁРДАМГА МУҲТОЖ

**3** ОСМОНИМИЗ САРҲАДЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

**4** ИСМИ ШАРИФИНГИЗ ТЎҒРИ ЁЗИЛГАНМИ?



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 11 январ, шанба № 7 (1432)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




## Ўзбекистон салоҳияти бағоят кенг







*Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

## ХОДИМЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ

Каттақўрғон Самарқанд вилоятининг энг йирик туманларидан бири. Фақат агросаноат тармоғида 60 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бор. Уларга аъзо барча ходимларнинг манфаатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилинмоқда.

Ўтган йили амалга оширилган муҳим ишлардан бири иш ҳақидан қарздорликни камайтиришга интилиш бўлди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси тавсияси билан ишлаб чиқилган махсус дастур бўйича олиб борилган ишлар яхши самара берди.Бу борадаги муаммо деярли барҳам топди.

Жамоа шартномаларида ходимларга иш берувчи ҳисобидан қўшимча имтиёзлар беришга оид шартлар муҳим ўрин тутади. Қўшимча иш ҳақи, таътил, қисқартирилган иш вақти, соғломлаштириш каби юмушлар шулар жумласидандир. Тармоқ меҳнаткашларининг 60-70 фоизи бундай имтиёзлардан баҳраманд бўлишди, десак муболаға бўлмайди.

Меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор берилди. Иш шароитини яхшилаш, касб касалликларининг олдини олиш, махсус кийим, ҳимоя воситалари билан таъминлаш яхшиланди. Жамоа шартномасининг мазкур бандлари иш берувчи учун ҳам, ходимлар учун ҳам зарурий эҳтиёжга айланиб бораётганини эътироф этиш керак.

Меҳнаткашларни, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, йил сайин яхшиланиб бораяпти. Бунда иш берувчилар ўз ходимлари учун қўшимча маблағ ажратаётганини таъкидлаш лозим. Туманда тармоқ тасарруфидаги А.Мўминов номли болалар оромгоҳини хўжалик, корхоналар оталиққа олган. Таъмирлаш, маҳсулот билан таъминлаш муаммолари шу йўл билан ҳал этилган. Ҳар йили бу ерда 750-800 нафар бола дам олдирилади. Шуларнинг қарийб ярми имтиёзли йўлланма билан таъминланмоқда. Ўтказилаётган маданият, спорт тадбирлари ҳам меҳнаткашларнинг маънавий, жисмоний соғлом бўлишига кўмаклашмоқда.

Туман касаба уюшмаси қўмитаси томонидан йил давомида жойларда жамоа шартномалари қандай бажарилаётганини ўрганиб борилди. Шунга кўра қўмита раёсати мажлисида спорт соғломлаштириш ишларининг аҳволи, имтиёзларнинг амалда қўлланилиши каби масалалар муҳокама қилинди. Ўша вақтдаги таҳлил «Андоқ», «Қўшҳовуз», «Янгиобод» ширкат хўжаликларида спорт ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганини, «Каттақўрғон маскани», «Буюк Турон» хўжаликларида жамоа шартномасидаги мажбуриятларни бажариш пайсалга солинаётганини кўрсатди. Аҳволни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

**А.ОРИПОВ,**
**Каттақўрғон туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси йўриқчиси.**

Яқинда республика таълим марказида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ногирон болаларни ўзлари яшаб турган жойлардаги мактабларга жалб этиш масаласи бўйича илмий-амалий семинар бўлиб ўтган эди.

## НОГИРОН БОЛАЛАРГА ШАРОИТЛАР

Ногирон болаларнинг тўлиқ таълим-тарбия олишлари, ҳаётда ўз ўринларини топишда жойларда уларга алоҳида ғамхўрликлар қилинаётир. Айни пайтда Жиззах шаҳри ва Бўстон шаҳарчасида ногирон болаларнинг махсус мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда бошқа мактабларда ҳам ногирон болалар ўқиши учун шароит яратилади.

**Н. БЎРИЕВ.**

*Бор бўл, оқибат!*

## ҚИШКИ ОРОМГОҲЛАР

### болажонлар қалбига баҳорий илиқлик олиб кирди

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари, дам олиб, саломатликларини тиклашлари ҳамиша касаба уюшмалари эътиборида бўлган. Бу йил ҳам истисно эмас. «Алгоритм» стационар туридаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида 300 нафар, «Технолог» акциядорлик жамиятига қарашли «Камалак» стационар БСОда 110 нафар, «Тошшаҳармаишийхизматуюшма» ассоциациясининг «Меҳржон» стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳида 100 нафар ўқувчи дам олдирилди.

Металлургия ва машинасозлик саноати ҳамда Енгил, мебел ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаларининг шаҳар қўмиталари хўжалик раҳбарлари билан биргаликда ўтган йилнинг 20 декабригача юқоридаги оромгоҳларни ўғил-қизларни ўз бағрига олишга шай қилиб қўйдилар. Мутасаддилар томонидан учала оромгоҳда ҳам болаларнинг маънавий ва жисмоний тарбияси, соғломлаштириш ишларини намунали амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонини амалда татбиқ этиш мақсадида шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари учун «Алгоритм» оромгоҳига 60 та, «Камалак» оромгоҳига 50 та имтиёзли йўлланма ажратилди. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғил-қизлар ҳам бу мурувватдан четда қолмадилар. 21-, 22- ва 23-меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари 120 та бепул йўлланма билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда)

***Уйчи туманининг Ёркатай қишлоғидаги Чуртук маҳалласида жойлашган «Муштарий А.И. ЛТД» масъулияти чекланган тўқув корхонасида импорт ўрнини босувчи момиқ сочиқ, дастурхонлик ва миллий кийимбоп ранго-ранг матолар тўқилмоқда.***

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН КОРХОНАДА

– Бир сменада 800 та сочиқ тайёрлаяпмиз, – деди корхона бошлиғи Жобирхон Тошпўлатов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Бу маҳсулотлар майинлиги, гулининг чиройлилиги ва юқори сифати билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам момиқ сочиқларимиз ва бошқа матоларимиз харидоргир. Омборимизда тайёр маҳсулот деярли турмайди.

Маҳсулотга талаб ошаётгани сабабли цехларга қўшимча тўқув дастгоҳлари ўрнатилиб, ишга туширилди. Корхона иқтисодий салоҳиятининг ошгани, даромаднинг кўпайгани ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга кўпроқ маблағ ажратиш имконини бермоқда. Шунингдек, бу ошхона, дам олиш хоналари ва бошқа маданий-маиший иншоотлари қуриш, таъмирлаш ва ишга туширишда қўл келмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича Олий Мажлис комиссиясининг Фуқаролик жамияти тизимларини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича кичик комиссияси мажлиси ўтказилди. У «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.***

Мажлис қатнашчилари таъкидлашича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида кўрсатиб берилган мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқади ҳамда жамоатчилик жамғармалари ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бу тузилмалар ҳуқуқ ва имкониятларини кафолатлашдаги ўрнини оширишга хизмат қилади. Бўлғуси қонун жамоатчилик жамғармаларига молиявий-иқтисодий жиҳатдан ўзини мустаҳкамлаш, тегишли соҳаларда давлат тузилмаларига кучли муқобилга айланиш имконини беради. Қонун жамғармаларни тузиш ва рўйхатга олиш тартиби, уларнинг фаолияти, васийлик кенгаши ва бошқа бошқарув органлари ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Жамоат жамғармалари вакиллари лойиҳа буйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, жамғармаларни ривожлантиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни кўрсатиб ўтди, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида гапирди.

Бундан ташқари, мажлисда кичик комиссиянинг бошқа тадбирлари билан бир қаторда 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш концепциясини қайта ишлаш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Кичик комиссия мажлисида Олий Мажлис депутатлари, қонун лойиҳаси тузувчилари, олимлар ва мутахассислар ҳамда жамоатчилик жамғармалари вакилларининг катта гуруҳи иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ГАЗ ЎЛЧАГИЧ БЕПУЛ ЎРНАТИЛДИ

Ўтган йили Жиззах вилояти маҳаллаларида кўча оқсоқоллари сайланганди. Обрўли, эл-юрт ҳурматига лойиқ кишилар танлаб олинганлиги ўз натижасини берди. Уларнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан маҳалла, қишлоқ ва кўчаларда жиноятчилик, турли хил ҳуқуқбузарликлар кескин камайди. Коммунал хизматлар учун тўловларни йиғишда ҳам силжишга эришилди.

Пахтакор туман ҳокимининг қарори билан барча кўча оқсоқоллари хонадонларига газ ўлчагич асбоблари бепул ўрнатиб берилмоқда. Бу уларнинг ўз ҳудудларидаги аҳолидан табиий газ учун тўланадиган йиғимни ойма-ой амалга ошириб бераётганликлари учун ўзига хос мукофотдир.

***Олисда ўтмишнинг осори атиқаси бўлмиш Султон Мирҳайдар ёдгорлигининг қўнғиралари қуёш нурида ялтираб кўзга ташланади. Бир томонда Майманоқ тоғи паст текисликлари қора камардек чўл бағрини кесиб ўтади. Буюк Ипак йўлидаги қадимий манзилгоҳ Хўжаҳайрон Қашқадарёнинг аҳоли зич яшайдиган кенг қишлоқларидан.***

*Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ*

## ЧЎЛДАГИ ҚИШЛОҚ

### шаҳарга хос қулайликлардан ҳусн очмоқда

Қишлоқда жойлашган маиший хизмат уйи ёнида бир гуруҳ онахонларни учратдик. Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бахти бекам аёлларнинг кайфияти чоғ.

- Қўшнимиз Ойсара буви келин олмоқчи, - деди онахонлардан гапга чечани. – Тўй либослари буюргани келган эдик.

Қишлоқ тикувчиси Норхол Тенгриеванинг чеварлигига ҳамма тан беради. Айниқса, келин - куёв либосларини , зардўзи чопонларни қойилмақом қилиб тикади. Фабриканикидан қолишмайди. Гулдек ҳунар орқасидан фаровон турмуш кечириб, бола-чақа боқмоқда. Мустақиллик шарофати билан кўркига кўрк қўшилган бу қишлоқда кўп обрў - эътиборли , илму урфонга ихлос қўйган кишилар вояга етган. Унинг гўзал табиатидан илҳом олган Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг шеърий мисралари мамлакат бўйлаб таралмоқда.

- Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ, - дейди Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги раиси Амрилло Чориев. - Иқтисодий ислоҳотлар самараси туфайли аҳоли турмуши фаровонлашиб бормоқда.

Хўжаликни воҳанинг тажриба мактаби дейиш мумкин. Ҳудудида еттита қишлоқ бўлиб, 17 мингга яқин фуқаро яшайди. Шундан 2840 нафари хўжаликда ишлайди. Хўш, қолган 13 минг аҳолининг аҳволи қандай кечмоқда?

Аввало ҳар бир хонадонда 3-4 тадан қорамол, сигир-бузоқ, 10-15 тадан қўйэчки бор. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги касб-ҳунарли.

Ясаган новвойи тандирлари Америкагача бориб етган. Кўза , хум, офтоба каби кулолчилик идишларини тайёрлаш қадимдан урф бўлган.

Хўжалик ҳудудидаги Хўжаҳайрон, Юксалиш, Жет, Касби, Жизза, Ровот ва Дўрмон қишлоқларида маданий - маиший объектлар анчагина. Клуб, стадион, замонавий мактаблар, қишлоқ врачлик пункти, пойабзал тузатиш, радио, телевизор созлаш устахоналари, почта - алоқа бўлими ишлаб турибди. Маҳаллалар тоза ва озода, кўчалар асфалтланган, шинам турар - жойлар қад кўтарган.

Ишлаб чиқариш режаларининг ошириб бажарилаётганлиги жамоа иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамламоқда. Ўтган йили 2 миллиард сўм даромад олинди. Шундан 657 миллион сўмга яқини соф фойда. Ширкат аъзоларига 65 миллион сўм дивидент берилади. Ҳар бир ширкат аъзоси ўртача 2,5 - 3 миллион сўм фойдага эга бўлди.

Жизза қишлоғидаги 73 гектарлик боғдан 3-4 йил аввал жуда кам ҳосил олинарди. Мевазорлар 123 кишига ижарага берилди. Яхши парвариш қилинганлиги туфайли мўл ҳосил етиштирилиб, бугунги кунда ҳар бир ижарачи 1,5 - 2 миллион сўм даромад олаяпти.

Сут – товар мажмуасига борган киши ўзини гўзал бир масканда ҳис этади. Қишда ҳам ямяшил дарахтлар билан бурканган фермада молбоқарлар, сут соғувчилар махсус кийим - бошлар билан таъминланган. Ҳовли саҳни ва иш жойлари ораста.

Қишлоқдаги қайси бир оилага ташриф буюрманг, очиқ чеҳра билан кутиб олишади. Далаларда ишлар енгиллашиб, хонадонларда тўй - томошалар тадориги. Кураш ва кўпкарилар авжида. Бундан бир неча йил илгари чўл қишлоқларида бўлган киши унинг бугунги файзи - тароватини кўриб, фидойи одамлар жасоратига таҳсин айтади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ШЕРИКЛАР ПАНД БЕРДИ

### оқибатда одамлар даромадсиз, маошсиз қолди

Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти собиқ раҳбарлари иқтисодий ҳамкорларини алдаб қўйди. Оқибатда бир қатор фермерлар ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўришди.

Воқеа ўзгача тус олиши ҳам мумкин эди. Аммо фермерлардаги бўшанглик, қонун талабларини яхши англаб етмаганлик пахтани қайта ишловчиларга қўл келди. Улар даъвогарларнинг сустлигидан усталик билан фойдаланишди. Ҳосил топшириш тўғрисида контрактация шартнома шартларини бажаришдан бўйин товлашгача бориб етишди. Оқибатда бир қатор фермер хўжаликлари қолоқлик домига гирифтор бўлдилар.

Тумандаги Мирзажон Раҳимов раҳбарлигидаги «Қаюмбой ота» фермер хўжалиги ҳам 2001 йил ҳосили учун корхона билан шартнома имзолаганди. Фермер-ку ўз сўзида қатъий турди. Аммо корхона панд берди. Контрактация шартномасининг 2,3 банди тўлиқ бажарилмади. Тадбиркорлар ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган 1.120 минг сўм нақд пулнинг 594.300 сўмигина тўланди холос. Ишончсиз шерикларнинг бу қилиғи фермерларга нафақат ўша йили, балки 2002 йил ҳосили етиштиришда ҳам жиддий қийинчиликлар туғдирди. Режалаштирилган маблағнинг ҳисоб рақамига келиб тушмаганлиги оқибатида дала ишлари учун сув билан ҳаводек зарур бўлган мойлаш материаллари, ўғит сотиб олишни қийинлаштирди, ишчиларга ойлик маош тарқатишда, ғўза чопиғида иштирок этганларга ҳақ тўлашда узилишларга сабаб бўлди.

Бўш қоп тик турмайди. Фермер хўжалиги фаолиятида сусайиш сезилди. Ахир муайян даромадга эга бўлмаганларнинг қўли ишга борармиди!

Ниҳоят фермерлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб Адлия идораларига мурожаат этишди. Муз жойидан кўчди. Қанчадан-қанча одамларни сарсон қилган ушбу масала 2002 йилнинг сентябр ойида Гулистон туманлараро фуқаролик судида кўриб чиқилиб, пахта тозаловчилар етказган зарарни тўлиқ қоплаш тўғрисида қарор чиқарилди.

«Жумабой ота» фермер хўжалиги раҳбари Гулсара Сариева ҳам контрактация шартномасида кўзда тутилган маблағнинг бўнагини кута-кута тоқатлари тоқ бўлганларнинг бири эди. Муаммо ўз ечимини топганидан у ўзида йўқ хурсанд. Ҳар ҳолда анча кечикиб бўлсада, адолат тантана қилди. Адлия бошқармасига фермерлар манфаатини кўзлаб даъво аризаси киритилгани қўл келиб, воқеалар ижобий якунланди.

Контрактация шартномаси тузиб тил тишлаганлар анчагина. Ўзаро келишув бажарилмаслигига буюртмачигина эмас, ижрочи ҳам қисман айбдор. Ўзларининг қонуний ҳақларини талаб қилишнинг уддасидан чиқа олмаганликлари учун шундай ҳол юз берди. Ахир олма пиш, оғзимга туш, дейдиган замонлар ўтиб кетди. Ҳар бир фуқаро ёхуд жисмоний шахс мавжуд қонунларни пухта билиб, унга суянмас экан, тил тишлаб қолиши мумкин. Фермер фақат мулкдор, ер соҳибигина эмас, юридик шахс ҳамдир. Бинобарин, ҳар ким ҳуқуқ ва бурчини билмоғи даркор. Ҳаётда турли қийинчиликлар, тўсиқлар учраши табиий. Шундай пайтларда мустаҳкам қалқон – қонунга суянган киши ҳеч қачон ютқазмайди.

**М. МАҲМУДОВ,**
**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси етакчи мутахассиси.**

## Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Икром ЮНУСОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***Агар аёл икки ёшгача бола парвариши учун тўланадиган нафақада бўла туриб, кейинги фарзандига ҳомиладор бўлиб қолса, унга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга қобилиятсизлик варақасига қай тарзда ҳақ тўланади. Муддатидан илгари ҳомила зарар кўрган тақдирда ҳақ қай тарзда тўланади? Шулар хусусида батафсил маълумот берсангиз.***

**Рўзим САЪДУЛЛАЕВ,**
**Хазорасп тумани.**

**ЖАВОБ:** 2002 йил 18 февралдаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирлиги томонидан 588-, 35-сонли қарор билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 1113-сон билан рўйхатдан ўтган ва ҳозирги кунда амалда бўлган «Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандида икки ва ундан ортиқ болани ҳамда ҳомийликка ва васийликка олинган болаларни парваришлаётган тақдирда нафақа фақат биттасига, то бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Болани икки ёшгача парвариш қилиш таътили даврида она кейинги боласини туғиш ва парваришлаш учун

### БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ





таътилга чиқишга ҳақли. Бу ҳолатда нафақа онанинг хоҳишига кўра иккала нафақадан бири тўланади (туғиш ва туғишдан кейин бериладиган меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ёки бола икки ёшга тўлгунга қадар бериладиган нафақа).

Она болани икки ёшга етгунга қадар уни парваришлаш учун ойлик нафақа олаётган пайтда яна ҳомиладор бўлиб, ҳомиладорлик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақасини ҳисоблаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майдаги 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 42-бандида қайд этилганидек ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Мазкур Низомнинг 55-бандида, меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа ҳисоблаб чиқаришда ойлик иш ҳақи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган кунгача доимий равишда олиб келинган қўшимча ва устамаларни қўшган ҳолда кунлик ёки соатбай тариф ставкаси ва мазкур Низомнинг 52-54-бандларига биноан ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик мукофотлар миқдори инобатга олинади.

Ходим тўлиқ бўлмаган мансаб маошини олган ҳолатларда, нафақа маошининг ҳақиқатда олинадиган қисми асосида ҳисобланади. Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи мазкур бандда кўрсатилган иш ҳақи миқдорини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик рўй берган ойдаги барча иш кунларига жадвал бўйича бўлиш йўли билан аниқланади. (Эслатма: ушбу ва кейинги барча ҳолларда иш вақти соатлари меъёри доирасида тузилган иш жадвали назарда тутилади).

Кунлик нафақа ўртача кунлик иш ҳақининг нафақа миқдорини белгилаш учун иш ҳақига қўлланиладиган фоизи (ушбу Низомнинг 26-30 ва 48-бандлари) ҳисобидан аниқланади. Нафақанинг умумий миқдори кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Мазкур Низомнинг кучга кириши муносабати билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғи билан 1998 йил 9 апрелдаги Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 430-сон «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

*14 январ — Ватан ҳимоячилари куни*

# ОСМОНИМИЗ САРҲАДЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

***Мамлакатимиз Куролли Кучларининг барча вакиллари каби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жангчилари ҳам анъанавий байрам - Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олмоқда. Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларининг шахсий таркиби кундан-кунга ўзининг жанговарлик қобилиятини такомиллаштирмоқда, замонавий мураккаб ҳарбий техника сир-асрорини кунт билан ўзлаштирмоқда, жанговар навбатчилик вазифаларини ишончли адо этмоқда.***

Бугунги кунда шавкатли Қуролли Кучларимиз қисмларида тамоман янги, профессионал армияни шакллантириш



бўйича ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Подполковник Одил Камолов командирлик қилаётган ҳарбий қисм Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларида энг яхши ҳарбий жамоалардан ҳисобланади. Мазкур қисм ўтган йил якунлари бўйича жанговарлик ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда фахрли ўринлардан бирини эгаллади. «Ватанни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, касбий маҳоратни изчил такомиллаштириш, қонунлар ҳамда умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя этиш - ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчи ва мажбуриятидир». Ҳарбий жамоанинг бугунги кундаги шиори ана шундай.

Ҳарбий қисм жамоасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у жанговар навбатчиликни мунтазам равишда амалга оширади. Бу ерда армия сафига чақирилган кўплаб ёшлар хизмат қилмоқда. Улар зиммасига ҳарбий меҳнатнинг энг мураккаб, машаққатли, лекин фахрли соҳаси тушган. Йигитлар жанговар навбатчилик давомида қисмнинг тажрибали офицер ва сержантлари бошчилигида ўқув машғулотларида муваффақиятли иштирок этаётир.

Ҳарбий қисмнинг дивизион командири подполковник Рашид Гапаров раҳбарлигидаги жангчилари ўтган йил ёзги дала тактик машғулотларида қатнашиб, юксак ҳарбий маҳоратга эга эканликларини яна бир бор намойиш этди. Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари тарихида ушбу бўлинма биринчи марта жанговар тактик отиш машғулотларини ўтказди ва аъло натижаларга эришди. Дала тактик машғулотлари мустақил мамлакатимиз офицерлари ўз касбий маҳоратларининг ҳақиқий эгаси эканлигини амалда кўрсатди. Қўмондонлик томонидан қўйилган жанговар вазифалар юксак даражада бажарилди.

Ўқув машғулотларида катта лейтенант Асатулла Ҳамроев бошлиқ радиотехниклар батареяси нишонни моҳирлик билан мўлжалга олди.

Қисм бўлинмасининг капитан Ҳабибулла Парпиев бошчилигидаги стартчилар батареяси ўқув машғулотларининг юксак савияда ўтказилишини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Биз ҳарбий қисмда бўлганимизда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан армия сафига чақирилган кўплаб ёшлар билан суҳбатлашдик.

- Мен муддатли ҳарбий хизматга Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидан чақирилганман, - дейди оддий аскар Сирожиддин Қиёмов. - Армияда хизмат қилаётганимга уч ой бўлди. Ҳозир бўлим командири вазифасида ўз бурчимни адо этаяпман. Ўтган қисқа вақт мобайнида бу ерда жуда кўп нарсани ўргандим. Ватанга муҳаббат нималигини мен армияда чуқур ҳис қилдим. Ҳарбий хизмат бизга ўз мамлакатимизнинг ҳақиқий фуқароси эканимизни англаш имконини берди. Албатта, армиянинг ўзига яраша мураккаб томонлари, қийинчиликлари ҳам бор. Лекин, биз - аскарлар, бу қийинчиликлардан сира чўчимаймиз. Мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Бизнинг қисмда иноқ жанговар жамоа таркиб топган. Бу эса маҳоратимизни янада ошириш, мураккаб ҳарбий техникани пухта ўзлаштириш, жанговар навбатчилик вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш имконини бермоқда.

Шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, бир неча кундан кейин биз ҳарбийлар Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларнинг 11 йиллигини тантанали равишда байрам қиламиз.

- Мен Сурхондарё вилоятининг Денов туманиданман, - дейди оддий аскар Шавкат Болтаев. - Армия хизматини ўтаётганимга қарийб тўрт ой бўлди. Ҳарбий хизмат ҳар биримиз учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш, ўз Конституциявий бурчимизни адо этишдангина иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат биз, йигитлар учун нуфузли ва шарафли ишга айланмоқда. Мен ҳозир радиотехника батареясида механик вазифасини ўтаяпман. Ҳарбий қисмда биз, ёшларнинг намунали хизмат қилиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Қўмондонларимизнинг бевосита ғамхўрлиги туфайли жанговар тайёргарлик ишлари аниқ ташкил этилиб, замонавий жанговар техника кунт билан ўрганилмоқда.

- Ота-оналаримиз ва дўстларимиз биздан доимо хотиржам бўлсинлар, - дейди Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидан ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Акмал Султонов.- Радиотехника батареясида оператор лавозимида хизмат қилмоқдаман. Биз, аскарлар зиммасига беғубор осмонимиз мусаффолигини ҳимоя қилишдек юксак масъулият юклатилганини ҳар дамда чуқур ҳис қилиб турамиз. Анъанавий байрам - Ватан ҳимоячилари куни арафасида ишонтириб айтмоқчиманки, бундан буён ҳам мустақил Ватанимизга содиқлик билан хизмат қилаверамиз, она-юртимиз осмонини кўз қорачиғидек асраш учун доимо шай турамиз.

Қисмда аскар ва сержантларнинг ҳарбий хизматни аъло даражада ўташлари учун барча шарт-шароит мавжуд. Иссиқ ва ёруғ ётоқхоналар, яхши жиҳозланган маиший хизмат хоналари, ошхона, аскарлар чойхонаси улар хизматида. Бу ерда замонавий клуб, 10 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга кутубхона, шунингдек, дўкон, ҳаммом ва бошқа кўплаб маданий-маиший иншоотлар ишлаб турибди. Қисмда мунтазам равишда турли маданий ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Шу кунларда ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари кунини байрам қилиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари бораётир. Бу ерда муҳим санага бағишланган йиғилишлар, тематик кечалар, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, жангчиларнинг ота-оналари, жамоат ташкилотлари вакиллари, республика маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ва суҳбатлар бўлиб ўтмоқда.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## РОМИТАНДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Ромитан туманидаги «Боғитуркон» фермер хўжаликлар уюшмаси ҳудудида 275 ўқувчи таълим оладиган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Ўқув мажмуи «20-трест» акциядорлик жамиятининг 9-кўчма механизация жамланмаси қурувчилари томонидан қисқа муддатларда бунёд этилди. Қурувчилар 730 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Ўқув биноси 20 та ўқув синфи, лингофон, компьютер хоналари, лаборатория, ошхона, спорт зали ва кутубхонани ўз ичига олади.

Ўтган йили вилоятда 7 та коллеж қуриб битказилди. Бундан ташқари, Бухородаги тиббиёт коллежи ва Ромитандаги қишлоқ хўжалик коллежи талабаларига янги ўқув бинолари совға қилинди.

**«Туркистон-пресс».**

## НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Республикамизда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига ўтишда банк тизимининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Давлат томонидан ўтказилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш кўп жиҳатдан шундай муассасалар билан боғлиқ бўлаяпти. Бу борада «Халқ банки»нинг туман ва шаҳарлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар қилинмоқда. Чунончи, банк бўлимлари аҳоли ва юридик шахсларга 100 дан зиёд турдаги хизматлар кўрсатишяпти. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қатор фармон ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан ҳам кенг кўламда тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина «Халқ банки»нинг Пискент тумани бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги, «Болали оилаларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари, кўп болали оилаларга «Болалар» нафақалари ҳамда қарамоғида икки ёшгача боласи бўлган оналарга белгиланган нафақаларни ўз вақтида берилиши яхши йўлга қўйилган. Бўлим томонидан ҳар ойда 12 минг нафар аҳолига 45 миллион сўм миқдорида ана шундай нафақа пуллари тарқатилади.

— Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан ҳам муайян ишлар қилиняпти, - дейди банк бўлими бошқарувчиси Асатилло Самадов. - Жумладан, ҳисоб рақамларни ўз вақтида очиш, мижозларга тадбиркорлик субъектларига маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва кўзда тутилган нақд пулни бериш, мижозларнинг ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш ҳамда кўчиришнинг белгиланган тартиб асосида бажариш ишлари ана шулар сирасига киради. Кейинги йилларда одамларнинг банкка бўлган ишончи янада ортди. Бунга бу ерда қўшимча 30 нафар мижозларнинг ҳисоб рақамлари очилганлиги ҳам мисол бўла олади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келинаяпти. Чунончи, таълим кредити бўйича 10 та ариза қабул қилиниб, уларга салкам 2 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Бу ҳам ўз навбатида ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда ёш авлод камолоти учун қилинаётган эзгу ишга оз бўлса-да, муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

## ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Репродуктив саломатлик бўйича вилоят маркази ва «Маҳалла» жамғармаси Андижон шаҳри бўлими томонидан ташкил этилган махсус курсларда 65 та маҳалланинг оқсоқоллари ўқишмоқда.

Тажрибали шифокоролимлар сабоқ бераётган ушбу курсларда маҳалла фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар қўмитаси раислари оилалардаги қўйди-чиқдилар, ногирон болаларнинг туғилиши сабабларини ўрганадилар. Шунингдек, оқсоқолларга яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, келин-куёвларни никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш юзасидан маслаҳатлар берилади.

Аҳолининг бу соҳалардаги билим даражаси кўп жиҳатдан маҳалла фаолларига боғлиқ. Шу боис ушбу масалаларга жиддий эътибор берилмоқда.

## «КОСОНСОЙ-ТЎҚИМАЧИ» ОДИМЛАРИ

«Косонсой-Тўқимачи» қўшма акциядорлик жамиятида ўтган йили 300 миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Соф фойда 10 миллион сўмдан ошди.

– Янги йилда янада юксак марраларни кўзлаб турибмиз, – деди корхона раҳбари Баҳодир Тошматов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Ўтган йилнинг ноябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган савдо-харид ярмаркасида иштирок этиб, харидорлардан 383 миллион сўмлик маҳсулот учун олдиндан буюртмалар олдик. Ўз навбатида 177 миллион сўмлик хомашё ва ёрдамчи материаллар сотиб олиш учун ҳам шартномалар туздик.

Бугунги кунда 220 нафардан ортиқ ҳунарманд меҳнат қилаётган корхонада кунлик топшириқлар ортиғи билан бажариляпти. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, ўтган йили бу ерда тикув цехи ҳам ишга туширилди. Цех жамоаси республика Халқ таълими вазирлигининг буюртмасига биноан 60 миллион сўмлик болалар куртмаси тикиб берди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 500 миллион сўмликка етказилди.

# КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ!

TV дастури
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

### ДУШАНБА, 13

#### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

**Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 13 январь куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.**

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ошин». Телесериал.
16.15 «Тўртинчи ҳокимият».
16.35 «Талабалик йилларим».
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Бешбармоқ». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 «Мулкдор».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.15 «Бир жуфт қўшиқ».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «2003 йил - Обод маҳалла йили». «Кўпчилик қаторида».
21.25 «Премьера олдидан».
21.50 Ватан ҳимоячилари кунига «Келин-куёв». Телешоу.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25 «Янги йил базми».
0.45-0.50 Ватан тимсоллари.

#### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 Янги авлод студияси: «Катта танаффус».
10.25 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 5-қисм.
10.50 Мусиий лаҳзалар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 ТВ-анонс.
11.35 «Жюли Леско». Сериал. 19-қисм.
12.25 Саломатлик сирлари.
12.45 Давр-news.
13.05 Жаҳон жуғрофияси.
13.55 Кўҳна оҳанглар.
14.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.55 Спорт ҳафтаномаси.
15.10 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
16.00 Огоҳлик давр талаби.
16.15 «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» почтаси, «Болалар шеърияти».
18.10 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 6-қисм.
18.35 ТВ-анонс.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлик қўшиқлари.
19.55 «Бугуннинг ёшлари» туркумидан: «Парвоз» видеофильми.
20.15 Ёшлар овози.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр.
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

#### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 56-қисм.
17.45, 18.50, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.10 «Нима учун?»
20.30 Янги йил кўрсатувлари саҳифаларида.
21.55 «Янги йилни севаман». Байрам шоуси. 1-қисм.
23.55 «Пойтахт шарҳи».
0.20 «Янги йилни севаман». Байрам шоуси. 2-қисм.
1.50-1.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

#### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.10 «Евроньюс» янгиликлари.
18.25 Л. Гурченко «Карнавал оқшоми» комедиясида.
19.55 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
21.00 «Время».
21.35 «Бизнес-ревю».
21.40 «Дунё мамлакатлари».
22.00 Кинематограф. «Темирйўлдаги муҳаббат». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
0.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## РИВОЖЛАНИШ ГРАНТИ

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) «Ипак йўли» кенгайтирилган ташаббусини амалга ошириш учун 950 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант шаклидаги техник ёрдамни маъқуллади.

Мазкур грант иқтисодий ҳамкорлик орқали Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсиши ва ҳаёт даражасини оширишга кўмаклашишга қаратилган. Бу дастур доирасида асосий эътибор транспорт, энергетика ва савдони ривожлантиришга йўналтирилади. Уни амалга ошириш учун асосий минтақавий лойиҳалар тайёрланади ва ҳамкорлик имкониятлари тадқиқ этилади.

Шунингдек, у ОТБ ва лойиҳада иштирок этаётган мамлакатлар ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши ҳам мумкин.

Бу лойиҳа Озарбайжон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни қамраб олади. Бу мамлакатлар Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлигида (МОМИҲ) қатнашмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари яқин тарихий, этник ва иқтисодий алоқаларга эга. Бу омилларни инобатга олиб лойиҳага Афғонистон ҳам қўшилди. Унинг воситасида Жанубий Осиё билан, айниқса транспорт ва энергетика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқотлар Марказий Осиё республикалари билан Мўғулистон, Синцзян Уйғур автоном округи ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини аниқлаш мақсадида ҳам ўтказилади.

1997 йилдан буён (МОМИҲ) ташаббус тўрт мамлакатдан еттитагача кенгайди, бугунги кунда Афғонистондаги воқеалар билан бир қаторда янги тарихий имконият юзага келмоқда, яъни географик миқёсда ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ услубларини ишлаб чиқиш мумкин.

Зеро Афғонистон Марказий Осиё республикалари табиий ресурсларини Жанубий Осиёга экспорт қилиш йўналишини таъминлаши мумкин. Айни пайтда бу республикалар ўз навбатида Афғонистонни тиклаш ва ривожлантириш ишига катта ёрдам кўрсата олади.

**(ЎзА).**

# ИСМИ ШАРИФИНГИЗ ТЎҒРИ ЁЗИЛГАНМИ?

## Акс ҳолда у сизга қимматга тушиши мумкин

***Ҳар бир ҳужжат моҳиятан ғоятда муҳим. Катта-кичиклигидан қатъи назар қайд этилаётган маълумот аниқ ёзилмоғи зарур. Чунки, бефарқлик натижасида келиб чиққан хато ортиқча оворагарчилигу асаб бузилишларга сабаб бўлиши табиий.***

Бу борада бизга, Шовот туманлараро фуқаролик судига жуда кўплаб даъво аризалари билан мурожаат қилишади. Мана бир мисол: А.Ибрагимов кўчаси, 12-уйда яшовчи Анажон Атажонованинг аризасига кўра, у 1963 йилда тумандаги К.Рахимов номли ширкат хўжалигига колхозчи бўлиб ишга кирган. Қизиғи шундаки, ўша пайтда кадрлар бўлими ходимлари ундан ҳеч қандай ҳужжат ҳам сўрамасдан уни Атажонова Реймажон деб меҳнат дафтарчасига қайд этишган. Сабаби, аслида ҳужжатда исми Анажон деб ёзилган бўлса-да, танишлари Реймажон деб аташар экан. Даъвогар К.Рахимов ширкат хўжалиги томонидан Атажонова Реймажон номига ёзилган меҳнат дафтарчасини ўзига, яъни Атажонова Анажонга тегишли деб топиб беришни сўраган.

Даъво аризаларини бирма-бир кўздан кечирар эканмиз, баъзан фуқароларнинг бефарқликлари ва масъулиятсизликлари ҳам бундай хатоларни урчитаётганлигини кўрамиз. Масалан, Гурлан туман «Зарбдор» ширкат хўжалигида яшовчи 1947 йилда туғилган Айимжон Матяқубова шу хўжаликда 1962 йилдан буён ишлаб келган. Пенсия ёшига етгач ҳужжатларини туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим қилганида, юқоридаги сингари камчиликлар бўлгани учун қабул қилинмаган. Яъни, «Зарбдор» ширкат хўжалиги-

### *Билиб қўйган яхши*

да меҳнат дафтарчасида фамилияси Базарбоева, ҳисоб варақасида эса Нурхўжаева деб юритиб келинган. 1965 йилдан ҳатто Хўжаева, 1947 йилдан Худойберганова деб ҳам ёзилган. Суд томонидан ойдинлик киритиш мақсадида барча ҳужжатлар батафсил ўрганиб чиқилгач, турли хил ёзилган фамилиялардаги юқорида тилга олинган ҳужжатларнинг барчаси ҳақиқатдан ҳам Матяқубова Айимжонга тегишли эканлиги маълум бўлди.

Гурлан туман «Гулистон» ширкат хўжалигида яшовчи Фарида Эшметова томонидан берилган даъво аризасида ҳам унинг исми-фамилияси нотўғри ёзиб келинганлигини кўришимиз мумкин. 1969 йилдан 1970 йилгача хўжалик кадрлар бўлимидаги меҳнат дафтарчасида Эшиматова Паридагул деб хато ёзиб қўйилган. Шунга кўра хўжалик томонидан Эшиматова Паридагул деб ёзилган меҳнат дафтарчаси ва иш ҳақи тўлаш ҳамда иш стажига оид ҳужжатлар ўзига, яъни Эшметова Фаридага тегишли эканлигини аниқлаш борасида ишлар олиб борилиб, узоқ оворагарчиликлардан сўнг талаб қондирилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ўрни келганда шуни таъкидлаб айтиш жоизки, юқоридаги каби хатоликларнинг келиб чиқишида нафақат хўжалик бошқарувидаги мутасаддилар, балки фуқароларнинг ўзлари ҳам айбдорлар. Кўриб ўтганимиздек, ҳужжатларда ҳатто бир неча маротаба исм-фамилиялари ўзгартириб ёзилишига қарамасдан, уларнинг ўзлари бу ҳолга бефарқлик билан қарашган. Бундан ташқари, паспортда исм ва фамилиялар, туғилганлик ҳақидаги саналарнинг аниқ ёзилмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Шунинг учун айтмоқчимизки, фуқароларимиз аввало фарзандларига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт олаётганларида ҳушёррок бўлишса, мутасаддилар томонидан билиб-билмай қилинадиган хатолар олди олинган бўлар эди.

**Зарифбой ҚУРБОНОВ,**
**Шовот туманлараро фуқаролик ишлари суди раиси.**

### *Турфа олам*

## ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ОБИДАЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН НУСХАСИ

АҚШ ҳукумати мамлакатдаги барча тарихий-маданий мажмуалардан электрон нусха олишга қарор қилди. Бундай таклиф аслида мамлакатдаги Миллий боғ хизмати томонидан илгари сурилган. Бу ҳаракатдан асосий мақсад ҳар қандай шароитда ҳам бетакрор обидаларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қуймасликдир.

Бу ишга Техасдаги техника университети ходимлари бош қўшди. Улар Озодлик ҳайкалининг лазерли нусхасини тайёрлашни ўз зиммасига олди. Маълумотларга қараганда, бунга икки йилдан ортиқроқ вақт керак бўлар экан.

Иш ниҳоясига етгач, нусхалар Конгресс бош кутубхонаси ва АҚШ миллий архивига топширилади. Яна бир нусха ҳукуматнинг махфий архивига берилади.

Соҳа вакиллари ўз фаолиятини Жанубий Дакота штатидаги Рашмор меъморий мажмуидан бошлади. Бу ерда АҚШнинг тўрт президенти - Жорж Вашингтон, Томас Жефферсон, Авраам Линколн ва Теодор Рузвелтнинг ҳайкаллари ўрнатилган.



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



### ҲАҚГЎЙЛИК ҲАҚИДА ДОНОЛАР

*Ҳақиқатпарвар одам шоир ёки буюк шахс бўлиши шарт эмас. У ҳеч қандай куч сарфламай туриб, ҳам шоир, ҳам буюк шахсдир.*

**Ж.РЕНАР.**

*Ҳаётни севиш - ҳақиқатни севиш деган гап.*

**Р.КЕНТ.**

*Ёлғонлиги азалдан маълум гапни ҳақиқат дейишдан ҳам ортиқ ҳаёсизлик йўқ.*

**ҚОБУС.**

### *Тадорик*

## ФУТБОЛ МАВСУМИ ЯҚИН

2003 йилнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон футбол федерациясида XII - миллий чемпионат ўйинларига қуръа ташланди. Шу боис жамоалар ҳам янги мавсум тайёргарлигини бошлаб юборишди. Айниқса Осиё чемпионлар лигаси баҳсларига йўлланма олган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси учун бу мавсум ўта мураккаб тарзда кечиши кутилмоқда. Ҳозирлик ҳам шунга яраша бўлмоқда. Айни кунларда улар БАА сафарини давом эттирмоқдалар. Сўнгра эса МДҲ кубоги «Итера» турнирида қатнашиш учун Москва сафарига йўл оладилар.

«Пахтакор» ку ўз имкониятларидан келиб чиқиб тайёргарликка зўр бераётган экан, миллий чемпионатимизнинг қолган жамоалари- чи? Шу каби саволларга жавоб излаб пойтахтимизнинг яна бир жамоаси «Трактор» клубининг спорт базасига йўл олдик. Биз етиб келганимизда жамоа футболчилари икки гуруҳга бўлиниб машқлар ўтказаётган экан.

– Машғулотларни 6 январ кунидан бошлаб юбордик. Ҳозирча кунда бир маротаба машқ ўтказяпмиз, – дейди жамоа бош мураббийи Вячеслав Томилин. – Янгиликларга келсак, моҳир ҳужумчи Илҳом Мўминжонов «Навбаҳор» да тўп суриш хоҳишини билдирди. Альфред Шарипов трансферга қўйилган. Жамоамизга янги ўйинчилар жалб қилмадик. Ўз ёшларимизга ишонган ҳолда мақсадга интилмоқчимиз. Анзор Измайлов, Улуғбек Мўминов, Аҳрол Рисқуллаев, Владимир Марков , А.Майрейнов, С. Акбаров каби йигитлардан умидимиз катта.Таркибдаги янгиликлар асосан шулардан иборат. Муаммоларга келсак, ҳаммаси маблағга бориб тақалмоқда. Футболчилар ўз маошларини ҳалигача олишгани йўқ. Шундай бўлса-да йигитларимизнинг кайфияти яхши, эртанги кунга ишониб машқларга зўр беришмоқда.



Машғулотлар вақтида биз терма жамоа бош мураббийи Равшан Ҳайдаровни ҳам учратдик. Тажрибали устоз «Трактор »да тўп сураётган ёш футболчиларнинг ҳаракатларини кузатаётганди.

Яна бир иқтидорли ҳужумчи Акмал Рисқуллаев машғулотларда қатнашмаётганлиги, тўғриси, бизни ажаблантирди: Сабабини сўрадик.

– Ўтган мавсумнинг сўнгги турида «Пахтакор» билан ўйинда жароҳат олгандим. Асоратидан ҳамон халос бўлганим йўқ. Шунинг учун енгил машқлар билан шуғулланиб турибман. Йигирма кунлардан кейин машқларда тўлиқ қатнаша бошлайман. Ниятим - иложи борича чиройли ўйинлар кўрсатиб, мухлисларимни хурсанд қилиш.

Майдонда «Трактор» нинг собиқ футболчиси Александр Хвастуновни кўриш биз учун чинакам янгилик бўлиб туюлди. Билсак, у Россия премьер–лигасида танаффус эканлиги учун ўз қадрдон клубида тайёргарлик кўраётган экан .Александр ҳозир Ярославлнинг «Шинник» жамоасида тўп сурмоқда.

Маълум бўлишича «Трактор» ўқув–йиғин машғулотларини ўз уйида ўтказади. Хориж сафари ҳақида гап–сўз бўлиши мумкин эмас, чунки юқорида айтиб ўтилганидек шундоқ ҳам жамоанинг молиявий аҳволи танг.

Бултур чемпионат баҳсларида «Трактор» зўрға 12– ўринни банд этган эди. Аммо бу йил йигитларнинг шашти баланд. Омадсизлик ортидан албатта бахт кулиб боқишига улар қаттиқ ишониб, машғулотларни астойдил ўтказишмоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Суратларда: 1 «Трактор»нинг шиддаткор ҳужумчиси Акмал Рисқуллаев.2 Ҳозирда терма жамоага етакчилик қилаётган бўлса-да, Равшан Ҳайдаров ва Вячеслав Томилин ўртасидаги яқин ҳамкорлик давом этмоқда.***

**Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.**

### *Ўқинг, бу қизиқ!*

## «ТИРИК ТУҒУВЧИ» ЎСИМЛИКЛАР

Она табиатнинг ўсимликлар дунёсида юз берадиган мўъжизалар қадимдан кишиларни ўзига жалб қилиб келган. Ўсимликларнинг «тирик туғиши» мўъжизаси ҳам ўзига хос кечади. Зеро, айрим тур ўсимликлар бўлғуси «бола»сини ўзининг устки қисмида «вояга етказиб», сўнг «мустақил ҳаётга» – тупроққа туширади. «Тирик» туғилган «бола» ерга тушгач, мустақил ўсимликка айланади.

Улар ҳар хил шароитда яшаши билан ҳам ажралиб туради. Ўрта Осиёнинг қумли чўлларида ўсувчи саксовул ҳам «тирик туғади». Саксовулнинг меваси етилиши билан унинг муртак қисми аста-секин ўса бошлаб, ўсимлик устида яшил рангдаги «бола» ўсимлик вужудга келади. Саксовулнинг бу тахлитда кўпайиши яқинда ошкор бўлди.

«Тирик туғувчи» ўсимликлардан яна бири олтой пиёзидир. Олтой пиёзининг туп гули устида уруғлар ҳосил бўлиши билан, «она» ўсимликдан ажралмаган ҳолда ўса бошлайди.

«Бола» пиёз туп гулнинг устида ҳосил бўлиб, сўнг намли тупроққа тушади ва янги пиёз тупига айланади.

Ҳозирда «бола» пиёзларни сунъий кўпайтиришга эришилмоқда. Олиб борилган тажриба ўз ижобий самарасини берди.

Ўзбекистонда ўсадиган ер қўноқ авлодининг 44 туридан бир нечтаси ҳам «тирик туғувчи» ўсимлик ҳисобланади. Бу кўп йиллик ўсимликнинг гуллари оч пушти. Бошоқсимон туп гуллар ўсимликнинг кўпайиши учун хизмат қилувчи пиёзчаларга айланади.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**



**Кўҳна Шаҳрисабзнинг замонавий Чорсу бозори**

# БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

## (Ҳажвия)

– Ассалому алайкум, ҳурматли радио тингловчи дўстлар! Вилоят радиоси «Бевосита мулоқот» эшиттиришининг азиз мухлислари!

Сиз бугун ўзингизни қизиқтирган барча саволларингиз билан бизга мурожаат этишингиз мумкин. Ҳа, дарвоқе, телефон рақамларимизни ёзиб олинг. Ёздингизми? раҳмат! Мана студиямизда – техник ходимлар, режиссёр ва ҳоказоларни қўшиб ҳисоблаганда ўн жуфт қоракўз сиз азизларнинг қўнғироқларингизни орзиқиб кутиб турибмиз. Учрашув қатнашчилари орасида таниқли ёзувчи, олим, журналист, ҳуқуқшунос ва бошқа касб эгалари бор. Туманларга атайлаб юборган мухбирларимиз ҳам енг шимариб шай турибшибди.

Азиз дўстлар! шундай қилиб «Муаммо» деб номланувчи эшиттиришимиз эфирда. Биринчи навбатни Қўштепадаги мухбиримизга берамиз. Марҳамат!

– Алло, алло, Қўштепа! Сизга нима бўлди? Эшитилмаяпти. Қаттиқроқ гапиринг... Техника-да, техника. Ҳатто космосдаям баъзан отказ қилиб қоляпти-ку бу сабил. Бир пасда бор, бир пасда йўқ.

Ҳеч кўнгилдагидай ишламайди-да, бу зорманда. Хит қилиб юборади, баъзан. Кечирасизлар. Ҳеч қиси йўқ. Алоқа тиклангунча битта ёқимли қўшиқни эътиборингизга ҳавола этамиз. (Мусиқа таралади).

Энди навбат бешқўрғонлик мухбиримизга. Алло, Қадамбой! Сўйланг, ёшулли. Қаранг. Бешқўрғон ҳам анча узоқ ўлка-да. Яқини билан гаплашиб бўлмаяпти-ю. Майли, азиз радио тингловчи дўстлар! Қисинманг. Ҳозир битта «Хоразм наволари»дан тинглагач, бугунги об-ҳаво маълумоти билан танишасиз. Ундан кейин уч-тўртга рекламалар ҳам бордай эди. (Қўшиқ янграйди).

Шундай қилиб, дўстлар, бугунги об-ҳаво билан ҳам эсон-омон танишиб олдингиз. Энди Заркент билан бир уланиб кўрамиз. Алло, Заркент! Гапиринг. Эшмуроджон! Дадил, дадил гапираверинг. Эшитилмаса мен нима қилай? Қаттиқроқ, бақириб айтаверинг фикрингизни. Пуф-пуф! Бечора мухбирларга ҳам қийин бўлди. Ўзи тўла йигит эди. Қора терга тушиб кетган бўлса керак бечора. Начора? Майли, яна бир жуфт дилрабо қўшиқ тинглаб турайлик-чи, зора унгача Кўкдарёнинг телефонлари ишлаб қолса?

Мана, ҳайрият, эшитиляпти. Эфирда Кўкдарё. Лекин овози унчалик аниқ эмас. Қайтадан қўнғироқ қилинг. Радио тингловчилардан экан. Гаплашолсак ажойиб бир саволим бор эди, дeяпти. Афсус! (Мусиқа таралади).

Ҳурматли дўстлар! Сизлардан минг карра узр сўраган ҳолда яна бир жуфт қўшиқ ва иккита эълон эшитишга таклиф этамиз. Шунинг билан бизга ажратилган вақт ниҳоясига етди. Қимматли вақтларингизни аямаганлигингиз учун сизларга ижодий гуруҳимиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.

«Бевосита мулоқот»нинг навбатдаги сонида учрашгунча хайр, азизлар!

Бугунги эшиттиришимиз ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборасиз, деган умиддамиз. Адресимиз ўзингизга маълум. «Бевосита мулоқот» эшиттиришига деб ёзинг. Қўнғироқларингизни кутамиз. Хайр, саломат бўлинг. (Мусиқа янграйди).

**Ўткир САИДОВ.**

### *Турмуш ҳангомалари*

## ОПА-СИНГИЛ

Опа-сингиллар олтмишга кирсалар ҳам бир-бирларига ёшликдагидек муносабатда бўлишаркан. Санобар холам Баҳор момомиздан бир неча ёш катта, холос. Аммо фурсат топилди дегунча синглисини тергагани-тергаган. Гоҳ унинг қилган ишидан камчилик топса, гоҳ кийган кийимидан нуқсон излайди. Бирон камчилик топса, қувончдан терисига сиғмай, синглисини ўйиб-ўйиб олади...

Олтмишдан ошган бўлсалар-да, ўзини олдирмаган. Санобар холам тўшакка ўтириши билан кўрпачани ғижимлаб кўрди. Кейин қониб ўсма ичган қошларини керганча уй ичини бир бошдан кузата бошлади. Афсуски, унинг ўткир нигоҳи синглисини нуқиб олишга имкон берадиган биронта нуқсонга дуч келмади.

– Дастурхонга қаранг, опа, – холамнинг одатини яхши биладиган момомиз унинг диққатини чалғитиш учун дастурхонга манзират қилди.

Санобар холам энди дастурхонни, унга қўйилган ноз-неъматларни кўздан кечира бошлади. Дастурхондан кўнгли тўлди шекилли, юзидан нур ёғилиб момомиз узатган пиёлага қўл чўзди. Аммо шу заҳотиёқ ним табассум қўнган лабларига тутган пиёладаги чойни қизиб турган печкага сочиб юборди.

– Ўн қадам ортиқча юрсанглар, ўлиб қоласизларми, – деди Санобар холам нигоҳларини момомизга ўқдек қадаб. – Қачон қараманг, Очил Саиднинг шўр қудуғидан чой қўясизлар. Шералининг қудуғига сенларнинг қадамларинг етиб боролмайди-да...

Қўйиб берса, холамиз ҳали яна ярим соат жаврайдиган. Кенжа тоғамиз ҳам вазиятни юмшатиш, ҳам момомизни опасининг зуғумидан қутқазиш учун чойнакни қўлига олди.

– Холажон, ҳозир Шерали тоғанинг қудуғидан сув олиб келиб, сизга ўзим бир чой дамлаб берай, мазаси олти ойда ҳам оғзингиздан кетмасин.

Холамизнинг тиканакли гапларидан менга ҳам тегиб қолишидан қўрқиб тоғамга эргашдим. Тоғам сувга чиқиб келиш ўрнига чойнакдаги чойни косага бўшатди-да, яна ўша пақирдаги сувдан чой қўйди. Қизиб турган печка устига қўйилган чойгум зум ўтмай қайрилма тумшуғидан буғ чиқариб сув қайнаганидан дарак берди. Тоғам бир сўз демасдан чойни дамлади-да, холамлар ўтирган уйга кириб кетди. Уйга қайтиб кириш-кирмаслигимни билмай бироз ўйланиб тургач, тоғам кўнглига туккан шумлик нима билан тугашини кўриш учун аста ичкариладим. Қарасам, Санобар холам қайноқ чойни хўриллатиб ҳўплаганча тоғамни алқаяпти:

– Яшшавор, ўғлим. Мана буни энди чой деса бўлади. Ичган сайин ичгинг келади. Чой эмас, нақ асалнинг ўзи...

Ҳали холам мақтовнинг зўрини айтишга улгурмасдан тоғам оғзини қўли билан беркитганича ташқарига отилди. Бу шумликка гувоҳ бўлганим учун мен ҳам тоғамга эргашдим.

**Темир ҚУРБОН.**

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир),Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.35

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

**«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.**

Тиражи: 20141 Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5